



## ФИҚҲИЙ МАЗҲАБЛАРГА ЭРГАШИШ ЗАРУРАТИ

*Mardonov Xayrulla Maxmudovich*

*- Hoja Vuxoriy o'rta maxsus islom bilim yurti fiqh fani o'qituvchisi.*

*Аннотация; Ушбу мақолада фиқҳий мазҳабларга эргашиш масаласи Қуръони карим оятлари, Пайғамбаримиз Муҳаммад (s.a.v.) суннатлари ҳамда ислом уламоларининг ижмоъси асосида илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада тақлид тушунчасининг лугавий ва истилоҳий маънолари баён қилиниб, унинг шариятдаги ўрни ёритилган. Шунингдек, ижтиҳод ва тақлид ўртасидаги фарқ, мужтаҳид бўлмаган шахс учун мазҳабга эргашишнинг зарурлиги далиллар билан асослаб берилган. Фиқҳий мазҳабларга эргашиш бидъат эмаслиги, балки шарият аҳкомларини тўғри англаш ва ҳаётга татбиқ этишида энг ишончли усул экани кўрсатиб берилган.*

*Калит сузлар; фиқҳий мазҳаблар, тақлид, ижтиҳод, мужтаҳид, Қуръон, суннат, ижмоъ, ислом фиқҳи.*

Тақлид сўзи араб тилида, бирор нарсани бўйнига осиб олиш, мансабга тайин қилиш, мажбурият юклаш, ўхшатиш, маъноларини билдиради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, фаолиятда ўзгаларга эргашиш, ўз-галар намунаси асосида иш олиб бориш маъноларини билдириши келтирилган.

Тақлид вожибдир. Чунки, динга амал қилишда тақ-лид қилмай нажот топиш мушкулдир. Баъзи шаръий далилларни бир неча маънолари бўлиб, амал қилишда улардан бирини тайин қилиш ёки устун бўлганини то-пишга ҳар ким ҳам қодир эмас. Бундан ташқари айрим масалалар бўладики, Қуръон ва ҳадисда унинг ёрқин далили бўлмайди. Натижада унинг ҳукмини ечиш учун бутун шаръий далилларни ўрганиб ҳукм чиқаришга эҳтиёж туғилади. Табиийки, бунга ҳар ким қодир бўл-майди. Мана шу сабаблар туфайли юзага келган му-аммоларни бартараф этиш учун соғлом ақл эгаларида мужтаҳид имомларга эргашиш зарур, деган фикр туғи-лиши табиий бир ҳолдир. Аммо,



ҳозирда муайян бир мазҳабга эргашган кишиларни кўр-кўрона тақлид қилишда айблаб, уларни гумроҳликда айбловчи тоифалар пайдо бўлганки, уларнинг даъво қилишича мужтахид имомларга эргашиш, уларга тақлид қилишнинг ҳожа-ти йўқ эмиш.

Бу тоифа тақлидни ҳаром, ширк, тақлид қилувчиларни эса адашган гумроҳлар деб номлашгача борадилар. Уларнинг даъвосича ҳар бир инсон ўзи тўғридан-тўғри Қуръони Карим ва ҳадислардан далил олиб амал қилиши керак. Шунинг ҳам эслатиш зарурки, пайдо бўлганига 200 йилга яқин бўлган, фақат оят ва ҳадисга амал қилишни даъво қилувчи салафийлар ўз-лари айтгандек битта тоифага айлана олмади. Улар ўзаро фикҳда ихтилоф қилганларини қўйиб турайлик, ҳатто ақидавий масалаларда ҳам ўзаро ихтилоф қилганлар. 2008 йили замондош саудиялик доктор Саъд ибн Абдуллоҳ ал-Барик салафийларнинг катталари ўр-тасидаги ихтилофларни китоб ҳолига келтириб, унга “Ал-ийжоз фи ихтилафи Албоний ва Ибн Усаймин ва Ибн Боз” (“ал-Ийжоз” - “қисқача”) деб номлаб, икки жилдда нашр қилган.

Эътиборга молик томони у китобда сала-фийларнинг нафақат фикҳда, балки диннинг асли бўлган ақидадаги ихтилофларини ҳам келтирган. Ундай нуқталар анчагина. Умматни бирлаштиришни даъво қилган салафийлар 200 йил ичида тўртта катта фирқа-га бўлинди: ас-Салафия-ал-илмия (1920 й.), ас-Салафия ал-жиходия (1979 й.), ас-Салафия ас-сурурия (1984 й.), ас-Салафия ал-жомия (1990 й.).

### **Тақлиднинг ҳақиқати**

Ислом динининг асл ҳақиқати Аллоҳга итоат этишга чақиришини ҳеч бир мусулмон инкор этмайди. Шунинг-дек нима ҳалол, нима ҳаром ва нима жоиз, нима ножоиз эканидаги илоҳий аҳкомларнинг таржимони бўлмиш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам итоат этиш вожиб бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Нисо сурасида: “Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади” - деган (80-оят).



Қуръон ва суннатдан ҳукм олишнинг икки кўриниши бор бўлиб, биринчиси: ҳар ким ўзича, ўз ақли, ўз тушунчаси қадар оят ва ҳадисларни тушуниш ва унга амал қилиш. Бу жуда хатарли ва ҳалокатга яқин йўл-дир. Иккинчиси: асри саодатга яқин яшаган, саҳобалар, тобеинлар каби нубувват чашмасидан баҳраманд бўлган салафу солиҳларнинг тушуниши. Улар Қуръон нозил бўлган муҳит ва вақтга яқин бўлганлари, ўша давр тили ва шароитини яхши билганлари учун шариатнинг асосий манбаларини ҳозирги давр одамларидан бир неча чандон яхшироқ тушунганлар. Шу сабаб агар биринчи йўлни хатарли эканлигини англаб, ўз ақлимизга суянмай оят ва ҳадисларни англашда мужтаҳид имомлардан бирига тақлид қилсак, унинг йўлига юрсак, шунда бизни оят ва ҳадисларни тушунишда фалон олимга тақлид қилди, дейилади. Бу билан биз Аллоҳ ва Расулининг ҳукмини қўйиб, бир олимга эргашган бўлмаймиз. Тақлиднинг қисқача ҳақиқати шу. Агар ушбу жараёнга инсоф назари билан қаралса бундай тақлидни ширк, гумроҳлик ёки Қуръон ва ҳадисни қўйиб бошқага итоат қилиш, демоқ мутлақоноўрин ҳисобланади. (“Тақлиднинг шаръий ҳукми ки-тоби”, 7-9-саҳифалар).

Тақлид икки хил бўлади

**Биринчиси:** киши тақлид қилиш учун муайян бир имомнинг фикрида тўхтаб қолмайди. Бир масалада бир имомнинг йўлини тутса, бошқа масалада бошқа имомнинг йўлини тутди. Тақлиднинг бу турини тақлиди мутлақ, умумий тақлид, тақлиди ғойри шахсий дейилади.

**Иккинчиси:** тақлид учун муайян бир имомни ихтиёр қилади. Ҳар бир масалада унинг сўзини қабул қилади. Буни тақлиди шахсий дейилади.

## Xulosa

Фикҳий мазҳабларга эргашиб Қуръон, суннат ва ижмоъ асосида вожиб бўлиб, тақлид мужтаҳид бўлмаганлар учун нажот йўлидир. Мазҳабсизлик илмий билим етишмаслигидан келиб чиқади ва уммат тафриқасига олиб келади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тақлид бидъат эмас, балки шариатни тўғри англашнинг зарур усулидир. Таълимда мазҳабларни



кучайтириш ва мазҳабсизликка қарши илмий раддиялар ўтказиш. Келажакдаги тадқиқотлар тақлиднинг замонавий масалалардаги ролини ўрганиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. **Ahmad ibn Hanbal.** *Musnad Ahmad.* Jild: 1, sahifa: 215, hadis raqami: 1851. Nashriyot: Muassasat ar-Risalah, Bayrut, Livan, 1998..
2. **K.A. Shermuxamedov va J.A. Karimov.** *Ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari.* Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2018. – 130-bet.
3. **S.A. Semedov** – *Islamskiy Radikalizm v Sovremennom Mire: Sushchnost i Prichiny Vozniknoveniya.* 77-79 b.
4. Suyarov A.B., Педагогический подход учителя к проведению урока, INTERNATIONAL MULTI DISCIPLINARY JOURNAL FOR RESEARCH & DEVELOPMENT eISSN 2394-6334 Impact factor: 7,854 Volume 12, issue 12 (2025)
5. A Boymurod o'g'li., Vergleichende analyse der Werke von Antara Ibn Shaddad in der Arabischen Literatur, ihrer stellenbereich und ihre Bedeutung in der Gegenwart, - GOLDEN BRAIN, 2025
6. Bekmuradovich, S. A. (2025). The usage of modern educational technologies in teaching a foreign language in higher educational institutions. Ta'lim, tarbiya va innovatsiyalar jurnali, 1(2), 180-184.
7. Begmamatov A., ARABISCHE LITERATUR IM VII. UND XVIII. MITTELJAHRHUNDERT - GOLDEN BRAIN, 2025 Issn: 2181-4120 Volume 3 | Issue 1 | 2025